

“Андижон биокимё заводи” АЖнинг
2019 йил 4 июлдаги акциядорларнинг
йиллик умумий йигилиши қарори билан

“ТАСДИҚЛАНГАН”

Кузатув кенгаши раиси


О.С. Мустафоев

**“Андижон биокимё заводи” акциядорлик жамиятининг
“АХБОРОТ СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА”ги
НИЗОМИ**

Андижон шаҳри-2019 йил

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ахборот сиёсати ҳақидаги мазкур Низом (кейинчалик матнда-низом) куйидагиларга асосан ишлаб чиқилди: Ўзбекистон Республикасини «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида»ги ва «Қимматли қоғозлар бозори ҳақида»ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 02.07.2014 йилдаги №176 қарори ва «Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникацион технологияларни ривожланиш ҳолатини баҳолаш тизимини тадбиқ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 31.12.2013 йилдаги №355 қарори, қимматли қоғозлар бозорида ахборотни тақдим этиш ва нашр этиш Қоидалари (қайд этиш рақами 31.07.2012 й. №2383.) ва акциядорлик жамиятлари фаолиятини самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича Хайъат йиғилишини 31.12.2015 йилдаги №9 сонли баённомаси билан тасдиқланган корпоратив бошқарув Кодекси.

Мазкур низом мажбурий ошкор бўлиши лозим бўлган ахборот ва ҳужжатларни рўйхатини белгилаб беради, шунингдек уларни “Andijon biokimyo zavodi” акциядорлик жамиятига тақдим этиш тартиби ва муддатларини белгилаб беради.

1.2. Ахборот сиёсатини мақсади бўлиб акциядорлар, инвесторлар, қимматли қоғозлар бозорини иштирокчилари ва бошқа манфаатдор шахсларни (кейинчалик матнда-манфаатдор шахслар) жамият ва уни фаолияти ҳақидаги ахборот эҳтиёжларини қаноатлантириш йўли билан жамият фаолиятини очиқлигини ва ойдинлигини таъминлаб бериш ҳисобланади.

1.3. Ахборот сиёсати жамият ва уни фаолияти ҳақидаги ишончли ахборотларни олиш учун манфаатдор шахслар ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишга, шу жумладан улар томонидан инвестицион ва бошқарув қарорларни қабул қилишга ва жамият ҳақидаги сир ҳисобланган ахборотларни ҳимоя қилишга қаратилган.

1.4. Ахборотни тижорий сирга кўшиш тартиби, ундан фойдаланиш шартлари Ўзбекистон Республикасини “Тижорий сир тўғрисида”ги қонунига ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жамият томонидан белгиланади.

II. АХБОРОТ СИЁСАТИНИНГ МАҚСАДИ

2.1. Мазкур Низом куйидаги мақсадларда ишлаб чиқилди:

2.1.1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ мажбурий ахборотни ўз вақтида ошкор қилмок.

2.1.2. Жамиятга бўлган ишончини мустаҳкамлаш ва уни инвестицион кўркамлигини ошириш учун манфаатдор шахсларга жамият фаолияти ҳақидаги ишончли, аниқ ва тўлиқ ахборотларни тақдим этиш.

III. АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАР

3.1. Ахборот сиёсатини асосий тамойиллари бўлиб мунтазамлилик, тезкорлик, фойдаланиш имконияти, тўлиқлик, тенг ҳуқуқлик, мувозанат, ахборот манбаларини ҳиямоси ҳисобланади.

3.2. Мунтазамлилик тамойили жамият томонидан манфаатдор шахсларга мунтазам равишда жамият фаолияти ҳақидаги ахборотларни тақдим этишга қаратилган.

3.3. Тезкорлик тамойилида жамият қисқа муддатларда манфаатдор шахсларни жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолиятига таъсир этувчи барча ходиса ва ҳолатлар ҳақида хабардор қилади.

3.4. Ахборотдан фойдаланиш имконияти деганда манфаатдор шахсларни мазкур ахборотдан эркин, тўсиқларсиз фойдаланиши учун жамият ўзини фаолияти ҳақида ахборотларни тарқатиш усулларини қўллаши тушунилади.

3.5. Тўлиқлик тамойили деганда жамият манфаатдор шахсларга ўзини фаолияти ҳақида тўлиқ ҳақиқий ахборотларни тақдим этиши, шу жумладан жамият фаолияти натижалари ҳақида тўлиқ тушунча олиш учун салбий ахборотларни ҳам тақдим этиши тушунилади.

3.6. Тенг ҳуқуқлик тамойили деганда жамият барча манфаатдор шахсларга жамият фаолияти ҳақидаги ахборотлардан фойдаланиш имкониятини тенг таъминлаб беради.

3.7. Мувозанат тамойили деганда жамиятни очиклиги ва ойдинлиги ўртасидаги идрокли мувозанатга риоя қилиш ва уни тижорий манфаатларини таъминлаш тушунилади. Бу ҳолда мажбурий шартлар қуйидагилар:

- сирли ахборотни химояси
- қонунчиликда ва жамиятни ички ҳужжатларида белгиланган инсайдер ахборотларни тарқатиш ва фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш

3.8. Химоя тамойили деганда тижорий ёки бошқа сирли ахборотларни химоя қилишда қонунчиликда руҳсат этилган усул ва воситалардан фойдаланиш тушунилади.

IV. ҚОНУНЧИЛИККА МУВОФИҚ МАЖБУРИЙ ОШКОРА БЎЛАДИГАН ХУЖЖАТЛАР РЎЙҲАТИ. ОШКОРАЛИКНИ МУДДАТИ ВА ТАРТИБЛАРИ.

4.1. Жамият мажбурий ошқора бўладиган ахборотларни белгиланган муддатлар ва усулларда қуйидагиларга асосан ошқор этади:

Ўзбекистон Республикасини «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳуқуқларини химоя қилиш ҳақида» ги ва «Қимматли қоғозлар бозори ҳақида» ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 02.07.2014 йилдаги №176 қарори ва «Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникацион технологияларни ривожланиш ҳолатини баҳолаш тизимини тадбиқ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 31.12.2013 йилдаги №355 қарори, қимматли қоғозлар бозорида ахборотни тақдим этиш ва нашр этиш Қоидалари (қайд этиш рақами №2383 31.07.2012й.) ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари.

4.2. Ахборотни мажбурий ошқор этилиши амалга оширилади:

- корпоратив ахборотларини Ягона порталида (қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи расмий веб-сайтида)
- фонд биржасини расмий веб-сайтида (www.uzse.uz)
- Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида
- оммавий ахборот воситаларида

4.3. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи ёки фонд биржаси расмий веб-сайтида мажбурий ошкор этиладиган ахборотларга қуйидагилар киради:

- қимматли қоғозлар эмиссияси проспекти (агарда қимматли қоғозлар ошқора жойлаштирилса)

- жамиятни йиллик хисоботи, шу жумладан молиявий хисоботларни халқаро стандартларига мувофиқ тузилганлари

- жамиятни биринчи чорак, ярим йиллик ва тўққиз ойлик яқунлари бўйича хисоботи, жамият фаолиятини ҳақиқий ҳолати ҳақида маълумот

Жамият юқорида кўрсатиб ўтилган маълумотларни қимматли қоғозлар бозорида ахборотни такдим этиш ва нашр этиш Қоидалари (қайд этиш раками 31.07.2012 й. №2383) да белгиланган муддат ва тартибларда ошкор этади.

4.4. Жамиятни қимматли қоғозлари фонд биржасини рўйхат қоғозларига киритилган ёки жойлашган бўлса, у ҳолда жамият биржа бюллетени тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ барча керакли ахборотларни ошкор этади.

Шунингдек, Корпоратив ахборотнинг ягона порталида ва жамиятнинг расмий веб-сайтида бошқа юридик шахсларнинг 5 ва ундан ортиқ фоиз акцияларига (улушларига, пайларига) эгаллик қилиши тўғрисидаги ахборотни эълон қилиши шарт. Бунда мазкур ахборот акциялар (улушлар, пайлар) олинган пайтдан эътиборан 72 соат ичида эълон қилиниши керак».

4.5. Жамият расмий веб-сайтига эга ([www. andbiochemical.uz](http://www.andbiochemical.uz)) ва унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 02.07.2014 йилдаги №176 қарорида кўрсатиб ўтилган ахборотларни ошкор этишни таъминлайди.

4.6. Оммавий ахборот воситаларида мажбурий ошкор этиладиган ахборотларга қуйидагилар киради:

- акциядорларни умумий йигилиши ўтказилганлиги ҳақида маълумот

- жамиятни почта манзили ва электрон почта манзили ўзгарганлиги ҳақида маълумот

- акция ёки эмиссион қимматли қоғозларни сотиб олишда юқори ҳуқуқларга эга бўлган жамият акциядорларига таклифлар.

- жамият томонидан акциялар сотиб олинганлиги ҳақида маълумот

- жамият тугатилганлиги ҳақида маълумот, шунингдек кредиторларни талабларини тартиби ва муддатлари

V. ҚўШИМЧА АХБОРОТЛАРНИ ОШКОР ЭТИШ ТАРТИБИ ВА РЎЙХАТИ

5.1. Жамият ўзини расмий веб-сайтини ривожлантиришни таъминлайди, шу жумладан сайтдаги ахборотларни давлат тилида ва инглиз, рус ва бошқа тилларда киритилишини амалга оширади, манфаатдор шахслар зарур маълумотлар билан қулай танишиш имконини яратади.

5.2. Жамият ўзини расмий веб-сайтида қуйидаги қўшимча ахборотларни ошкор этади:

- корпоратив бошқарув Кодекси талабларига риоя этиш мажбуриятини қабул қилганлиги хақида маълумот

- ижро органи хақида маълумот, шу жумладан мазкур жамиятдаги фаолияти даври хақида

- жамият ижро органи фаолияти самарадорлигини ва корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари

- жамият акцияларини 20 % дан ортигига эга бўлган акциядорлар хақида маълумот

- соф фойдани тақсимланиши, дивидендлар миқдорини асослаш, жамият дивиденд сиёсатига уларни тўғри келиши баҳолари, шунингдек зарур ҳолатларда соф фойдани маълум бир қисмини жамиятни ривожланиш эҳтиёжларига қаратилганини иқтисодий асослаш ахборотлари

- инвестицион лойиҳалар шаклида амалга ошириладиган кенгайтириш, реконструкция ва техник қайта жиҳозлаш бўйича жамиятни режалари кутилаётган соф фойдани кўрсатиш билан

- акцияларни котировкаси бўйича ахборот, шунингдек фундаментал ва техник таҳлиллар натижалари, мутахассисларни, экспертларни ва маслаҳатчиларни изоҳлари

- жамият фаолияти турлари бўйича капитални қийматини ахамияти ва жамиятни ўртача капитал қиймати уларни кўрсаткичларини асослаб бериш билан

- хомийлик ва беғараз ёрдам хақида қарорларни қабул қилиш тартиблари ва шартлари хақида маълумот, шунингдек ҳақиқатда олинган ёки берилган хомийлик ва беғараз ёрдамлар хақида маълумот

5.3. Кузатув кенгаши ва ижро органига бериладиган тақдирлаш ва компенсациялар миқдори хақидаги маълумот акциядорларни умумий йиғилишида ошкор этилади ва акциядорлар умумий йиғилиш баённомасига киритилади.

5.4. Жамият ўзини фаолияти хақидаги ахборотларни қонунчиликда белгиланган бошқа манбаларда ҳам ошкор этади.

VI. МАНФААТДОР ШАХСЛАРНИ ЖАМИЯТНИ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ АЪЗОЛАРИ, МАНСАБДОР ШАХСЛАРИ ВА ХОДИМЛАРИ БИЛАН АХБОРОТ АЛМАШИШ ТАРТИБИ

6.1. Манфаатдор шахсларни жамиятни бошқарув органилари аъзолари, мансабдор шахслари ва ходимлари билан ахборот алмашиш учун Жамият масъул ходим тайинлайди ва у орқали ахборот алмашиш амалга оширилади.

6.2. Манфаатдор шахсларни ёзма (электрон) талаблари билан мазкур низомда кўрсатиб ахборотларни тақдим этишни жамиятни масъул ходими бир ҳафта ичида барча зарур ахборотларни электрон шаклда тақдим этади, агар қонунда бошқа муддат белгиланмаган бўлса.

6.3. Зарур ҳолатларда ҳужжатларни нусхаларини тақдим этишда манфаатдор шахс ҳужжатларни нусхаларини тайёрлашга кетган ва почта орқали ҳужжатларни жўнатишга кетган харажатларни тўлайди.

6.4. Акциядорлар жамиятни фаолияти хақидаги сир ҳисобланган ва қонун билан ҳимоя қилинадиган ахборотларни ошкор этишга ҳақли эмас.

VII. ЖАМИЯТНИ АХБОРОТ СИЁСАТИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ НАЗОРАТИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР

7.1. Мазкур низомда кўрсатиб ўтилган ахборотларни ошкор этишга масъул бўлиб жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси ёки акциядорлар билан корпоратив алоқалар бошқаруви масъул ходими, ҳисобчи ва бошқа ваколатли шахслар ҳисобланади.

Бошқа шахслар, ижро органи раҳбари ва уни ўринбосарларидан ташқари, жамият номидан ҳаракат қилишга ҳақли эмас.

7.2. Ахборотни тўлиқ, ишончли ва ўз вақтида ошкор этилишига Жамиятни ижро органи раҳбари масъул ҳисобланади.

7.3. Жамиятни Кузатув кенгаши ҳар чорақда мазкур низом талабларини бажарилиши бўйича ижро органи ҳисоботларини тинглайди.

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур низом бўйича ахборотни ошкор этилишини ташкил этилиши, ҳолати ва ҳақиқийлигига жамиятни ижро органи масъулдир.

Ахборотни ўз вақтида сифатли, ишончли ва тўлиқ ошкор этилиши ижро органи фаолиятини самарадорлигига баҳо беришни асосий мезонларидан бири ҳисобланади ва унга тақдирлашлар (бонуслар) тўлаш шарти ҳисобланади.

8.2. Мазкур низом талабларини бузилишига айбдор шахслар ўрнатилган тартибда жавобгар бўлишади.

8.3. Мазкур низом Жамиятни Кузатув кенгаши йиғилишида уни аъзоларини кўпчилик овози билан тасдиқланади.

8.4. Мазкур низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш Кузатув кенгаши йиғилишида уни аъзоларини кўпчилик овози билан тасдиқланади.

8.5. Агар мазкур низомни айрим моддалари Ўзбекистон Республикасини амалдаги қонунчилиги ёки Жамият Низоми билан тўғри келмаса, у ҳолда бу моддалар ўз кучини йўқотади ва мазкур низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар ўша моддаларга тегишли масалалар Ўзбекистон Республикасини амалдаги қонунчилиги ёки Жамият Низоми билан ҳал этилади.